

O'ZBEKISTON



OVOZI

ЎЛТМОЎ-
СИЙОСИ
GAZETA

• 2005-yil • 2-aprel • Shanba • 42 (27.377) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«Ташаббус — 2005»

ФЕРМЕР, ТАДБИРКОР ВА ХУНАРМАНД

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ, ВАТАН РАВНАҚИ



Суратда: «Ташаббус — 2005» танловининг биринчи ўрин қўлиблари. Сарвар ўрмонов (ўза) олган сурат

«...мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжалиқларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан.

Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжалиқларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлади».

Ислом КАРИМОВ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (шў йил 28 январь) маърузадан)

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2005» кўрик-танловининг якуний — Республика босқичи бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ғолибларидан 40 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Энг яхши фермер», «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши хунарманд» номинациялари бўйича ўз ютуқларини намойиш этдилар.

— Муस्ताқиллик йилларининг сўнгги тўққиз йили мобайнида мунтазам ўтказиб

келинаётган ва анъанага айланаётган мазкур кўрик-танловнинг асосий мақсади, —

сий тармоқнинг улушини оширишдан иборат. Шунингдек, жамиятда тадбиркорлик фаолияти даражасини кўтариш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, касбий маҳоратлари ҳамда билим доирасини бойитиш учун барча имкониятларни яратилди. Шу боиски, кўрик-танлов ўз фаолиятида энг яхши натижаларга эришган, экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарган, хизматлар доирасини кенгайтирган, халқаро кўргазмаларда ва ярмаркаларда қатнаша оладиган тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар орасида ўтказилди.

деди Республика Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Махмуджон АСҚАРОВ кўргазма тақдирини очитури, — нафақат ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, улар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар самарадорлигини ўрганиш ва мамлакат иқтисодиётида хусу-

2-бет

Парламент фаолияти

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган халқаро конференция «Икки палатали парламент: халқаро тажриба ва истиқбол» мавзуга бағишланди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

— Халқаро қонунчиликнинг ўзига хос жиҳатларини такомиллаштириб бориш қонунчилигимизнинг асосий омилларидан бири бўлмоғи лозим, — деди конференцияга раислик этувчи Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари Машқара Сафоова.

Шундан сўнг анжуманда Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропЭйд дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси бўйича хорижий ва маҳаллий экспертларнинг маърузаси тингланди.

Конференцияда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, хорижий ва маҳаллий экспертлар, ҳуқуқшунослар ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ

ВОҲА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

ТЕРМИЗ (Ўза мухбири Чори Тўхтаев). Сурхон воҳасида кўкназорлаштириш ва ободонлаштириш ойлғи муваффақиятлари юқунди. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, вилоятда 3 миллион 960 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дархат қўчати ўтказилган.

Хусусан, Тошкент — Термиз, Термиз — Узун йўлининг икки ёқасига 674 минг туп манзарали дархат қўчати ўтказилди. Улар ўсиб улғайгач, жойлардаги манзара узгача жозибасига эриши шубҳасиз. Ўтказилгани эмас, тутгани ҳисоб, деган ақиддага амал қилиниб, қўчатлар парвариши бўйича масъул кишилар тайинланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмохан Сингхнинг таклифи билан 2005 йил 4-6 апрель кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтайдиган музоқараларда икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларга доир масалаларни, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музоқаралар якунида қатор икки томонлама битимлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН:

ЎЗАРО ҲУРМАТ, СЕРҚИРРА ҲАМКОРЛИК

4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ҳиндистон Республикасига давлат ташрифи бошланади

Шу ўринда эслаш жоизки, Ҳиндистон И.А.Каримов мустақил давлат раҳбари сифатида 1991 йил август ойида расмий ташриф буюрган биринчи давлатдир. Айнан ўша пайтда сиёсат, иқтисодиёт, фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида икки томонлама ҳамкорликка асос солинган. Ўзбекистон Президентининг ўн тўрт йил давомида мазкур мамлакатга қилаётган туртинчи сафари икки давлатнинг турли соҳалардаги самарадор ва тобора чуқурлашиб бораётган муносабатларига янги салмоқли туртки беради.

Масалан, Ҳиндистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 150 миллион АҚШ долларида ошди, бу 2003 йил кўрсаткичларидан қариб 40 фоиз кўп демакдир. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда Ўзбекистон экспорти таркибида ҳамаша ва ярим фабрикалар эмас, балки етакчи саноат тармоқларининг юқори технологик маҳсулотлари — самолётлар, электрожиҳозлар, рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар кўпайиб бормоқда.

Ташки иқтисодий алоқалар агентлигида Ҳиндистоннинг бешта йирик фармацевтика компаниялари ваколатхоналари рўйхатга олинган. Ҳинд ишбилармонлари нафақат савдо-сотиқ билан шуғулланишга, балки ўзбек иқтисодиётига фаол tarzда сармоялар киритишга, Ҳозир республикада хинд сармоядорлари иштирокида 25 та корхона фаолият кўрсатапти, улар орасида ўнгаси тўлалигича хориж капиталли асосида ташкил этилган. Мазкур корхоналар фаолият қўлами халқ истеъмолчи моллари ва доривор препаратлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш, туризм каби турли соҳаларни қамраб олган.

1993 йилдан буюн 800 дан ортиқ ўзбекистонлик мутахассис Ҳиндистонда ахборот технологиялари, банк иши, кичик бизнес каби йўналишлар бўйича таълим олиб қайтишди. Икки томонлама ҳамкорликнинг таълим соҳасига тааллуқли қисми тобора ривож топиб бормоқда. Шу йил Тошкентда Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиши ҳақида расман эълон қилинди. Ҳиндистонликлардан бўйналганда кўп нарсани ўрганса арзийди — мамлакатда ушбу

технологиялар билан савдо оборотининг йиллик ҳажми 12 миллиард долларни ташкил қилади, Ҳиндистон дастурий маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилади, ҳақонинг 55 та мамлакатда ана шундай мутахассисларга саёб беради.

Иқтисодий ҳамкорликдаги муваффақиятларга фаол сиёсий мулоқот, турли даражадаги расмий ва ишбилармонлар ҳайатлари билан доимий алоқаларнинг йўлга қўйилгани сабаб бўлмоқда. Икки томонлама ҳамкорликнинг 45 та давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлардан ташкил топган шартнома-ҳуқуқий асоси яратилган. Қўлаётган сафар якунида унинг салмоғи янада ошади.

Гуманитар соҳадаги фаол муносабатларга халқларимизнинг узок тарихга бориб тақаладиган маданий алоқалари ижобий таъсир ўтказмоқда. Ун биринчи асрдаёқ Ҳиндистонга сафар қилган Абу Райҳон Беруний ўз асарларидан бирини ушбу мамлакатга бағишлаган эди. Заҳирриддин Муҳаммад Бобур XVI асрда Шимолий Ҳиндистонда қудратли давлатга асос солиди ва унинг авлодлари уч юз йил давомида ҳукмронлик қилишди. Бобур тарихда нафақат буюк давлат арбоби, балки иқтидорли шоир ва аломо сифатида ҳам ном қолдирди. Ҳиндистонлик олимлар мамлакатнинг Амир Хусрав Деҳлавий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Асадулла Ғолиб каби буюк шоирларнинг аждодлари бизнинг ўлкамиздан бўлганини эътироф этишди. Бугун мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни қайта тиклаиб, унинг янги қирралари очилапти.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги кенг қамровли масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризмга қарши кураш муаммоларини ҳам ўз ичига олган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг Ҳиндистонга сафари воқеаларга бой бўлиши қўлаёпти. Давлатларимиз куч сарфлаётган умумий мақсадлар серқирра ҳамда икки томоннинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришдаги қатъияти ҳам етарлидир.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА шарҳловчиси

ЎзХДП янгилликлари

«САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ижроия бюроси аъзоси, Қарши қўкназорлаштириш хусусий корхона раҳбари Озод Умиров кўпгина саовобли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг жамоаси нафақат Қарши шаҳрини, балки вилоят-

даги кўпгина туманлар ҳудудларини ободонлаштиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Яқинда у кишининг ташаббуси билан Қарши шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоаси раҳбарлигида «Са-
воб ишни ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ

қилиши керак» деб номланган хайрия тадбири уюштирилди. Маросимда вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нуриддин Зайноддин иштирок этди.

Музаффар ТУРОВОВ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ЎзХДП Андижон, Хоразм вилоят кенгаши раисларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгашининг II пленумида муҳокама этилган масалалар ҳамда МК раиси А.Рустамовнинг маърузасида белгиланган йўналишларнинг бажарилишида партия ташкилотларининг вазибалари хусусида фикр алмашилди.

ЎзХДП Хива туман кенгаши томонидан тумандаги қатор мактабларда ЎзХДПнинг мақсади ва вазибалари, унинг мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ўрнига бағишланган «давра сўбатлари» ўтказилди. Тадбирлар давомида ўшларнинг кўплаб саволларига жавоблар қайтарилди. Бир гуруҳ ёш ўқитувчилар партия аъзоллигига қабул қилинди.

ЎзХДП Акмал Икромов тумани кенгаши «Богобод» маҳалласида семинар-учрашув ташкил қилди. Унда иштирок этган маҳалла фуқароларига ЎзХДП Дастури мазмунини, партиянинг мамлакатимиз сиёсий майдонидаги позицияси тўғрисида таъкидланди.

ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгашида бўлиб ўтган партия фаоллари йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг Баёноти ҳақида фикр юритилди. Партия кенгаши раиси Т.Аҳмедов маз-

кур Баёнотнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб берди. Йиғилишда сўзга чиққан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати К.Раимжонов, шаҳар Кенгаши депутати Э.Имомназаров, «Нуроний» жамоаси раиси М.Имомов ва бошқалар партиянинг фракцияси тугган йўлини маъқулладилар.

ЎзХДП Риштон туман кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши ҳам мазкур масалага бағишланиб, фракциямиз қабул қилган Баёнот иштирокчилар томонидан маъқулланди.

ЎзХДП Фуркат туман кенгаши маҳалла-лар, бошланғич партия ташкилотларида «Огоҳлик маъсуллиги» мавзусида «давра сўбатлари» ўтказмоқда.

Олтиариқ туманидаги 34-«Наврўз» болалар мажмуаси ва «Наврўз» маҳалласида ўшлар тарбияси ҳамда миллий кадриятларни эъозлашга бағишланган тадбирларда ЎзХДП туман кенгаши фаол иштирок этди.

ЎзХДП Хива туман кенгаши ва туман прокуратураси ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари жамоалари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Ғолиб жамоаларга ташкилотларининг ҳомийларининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«ҲОЗҒОН»ДА СПОРТ МАЖМУИ

Навоий вилоятида болалар спортига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўтган йили Хатирчи туманида замонавий спорт мажмуи қад ростирилган бўлса, бу йил Наврўз айёми арафасида Нурота туманида ҳам шундай спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

«Ҳозғон» кўрганида тикланган болалар ўйингоҳини Темуралик номли масъулият чекланган жамият қурувчилари қисқа вақт ичида барпо этишди. Ин-

шоотни тиклаш ишларига 150 миллион сўм маблағ сарфланди. Усти ёпиқ спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ҳамда энг замонавий чўмилиш ҳавзаларига эга бўлган бу болалар спорт объектидан нафақат ғозгонликлар, балки нуроталиқлар ҳам беҳад мамнун. Эндиликда шунга ўхшаш иччам спорт мажмуи қурилиши Навбахор туманида бошланди.

Музаффар ШАРОПОВ


Газетада босилмади, аммо...

КУТУБХОНАГА ЖОЙ АЖРАТИЛДИ

Мухбиримизнинг «Бепарволик ёки кутубхона мудирасининг арза-ларига мутасаддилар нега бефарқ қарашиди?» сарлавхали мақола-сини жойида ўрганиш ва ижобий ҳал этилишини сўраб вилоят ҳокимлигига юборган эдик. Мақолада Қамаш туманидаги 50 та кутубхонанинг 48 таси қишлоқда жойлашгани, Пасттол қишлоғидаги 35-тармоқ кутубхонаси 1965 йили хашар йўли билан қурилгани, 40 йил китобсеварлар хизматида бўлгани ва қаровсизликдан нур-рай бошлагани ҳамда уни таъмирлаш ёки ўрнига янги бино қуриш ҳақида ҳеч ким қайғурмаётгани, кутубхона мудирасининг олиб-югуришлари зое кетаётгани тўғрисида мулоҳаза юритилган эди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади.

«Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси мақола-ни ўр-ганиб чиқди. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширил-ган тадбир натижасида мазкур 35-тармоқ кутубхонаси шу қишлоқ-даги Х.Қурбонов номли мактаб биносига кўчирилди. Мактабдан 3 хонали, 35 м² жой ажратилиб, етарли шароит билан таъминланди.

У.НУСУРОВ,
Қашқадарё вилоят маданият ва спорт ишлари
бошқармаси бошлиғи».



БЎЛҒУСИ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Миноранинг мустақамлиги пой-девор қанчалик тўғри ва аниқ қўйилишига боғлиқ. Шу боис, ҳукуматимиз ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратди. Фаран-даримизнинг жисмонан соғлом ва мавъан баркамол бўлиб вояга етишида ҳар бир мактаб, ташки-лот, жонз бўлса, ҳаммамиз масъ-улимиз.

Дўстлик туманидаги Фағур Фу-лом номли 2-умумтаълим макта-бида ўқувчиларни жисмоний чи-

ктириши ва ҳарбий ватанпарвар-лик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Мактабда бунинг учун барча шароитлар етарли. Дарсалар чуқур назарий билим ва амалиёт асосида ўтиляпти. Бу борда чақирқичча ёшларни тайёрлаш фани ўқитув-чиси Баҳром Абдувалиевнинг хиз-матларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Тажрибали муаллим-дан таҳсил олган ўқувчилар ҳар йили вилоят ҳамда республика

микёсида ўтказилаётган «Шунқор-лар» ҳарбий-спорт мусобақалири-да фаол иштирок этишиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишяпти. Зеро, чақирқичча ёшлар — бўлғуси Ватан ҳимоячиларидир.

Суратда: мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирокида ча-қирқичча ёшларни тайёрлаш дар-си машғулотида лавҳа.

Шавкат АКРАМОВ
олган сурат

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmv.uz E-mail: info@tshbmv.uz va Bijra@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz

Молия-кредит тизими

Республиканинг энг йирик тижорат банкларидан бири — «Пахта банк» 2004 йилда иқтисодий ислохотларни жаддаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини тўла амалга ошириш йўлида тинимсиз изланиш, молия-кредит тамойилларини такомиллаштириш, янги-янги банк хизмати турларини жорий этишда ўзига хос изланишлар олиб борди.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўлами янада кенгайди. Аҳолининг бўш маблағларини банк айланмасига жалб этиш, омонатчилар, акциядорлар ва банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларида кескин бурилишга эришилди. Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ҳисоб-китоб қилишнинг нақд пулсиз, тез ва қўлай, энг муҳими — даромадли воситаси бўлган пластик карточкалар кўпайди. Шунингдек, 2004 йилда банкнинг таъқиқ иқтисодий фаолияти янада кенгайиб самарали валюта сибасатини амалга оширишга қўшаётган хиссаси ошди.

Англизда чоп этилган «The Banker» журнали томонидан банк фаолияти тўла таҳлил қилиниб, «Пахта банк» 2004 йилда «Ўзбекистоннинг энг ахши банки» деб эътироф этилганлиги ва юқсак соғирини кўлга киритганлиги диққатга сазовордир.

ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КЎМАКЧИСИ

Утган йили «Пахта банк» давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи ширкат ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашни ҳар томонлама қулайлаштиришга катта эътибор қаратди. Ўзбекистон Президентининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «2004 — 2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилди.

Республика Молия вазирлиги ҳузурдаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси» ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган фермер хўжалиқларининг давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш ва ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи ҳамда бўлгуси ҳосилни гаровга олган ҳолда тижорат банклари томонидан кредит бериш тартиб-қоидалари — назур дастури амалга оширишда жуда қўл келмоқда. Унга мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг янги механизми татиқ этилган вилоятларда фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирокида семинарлар ташкил этилиб, уларга ушбу механизмнинг мохиёти ва мақсади, имтиёзли кредитлар олиш тартиби, банк томонидан қўрсатилаётган молиявий хизматлардан оқилона ва самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари ҳақида тушунчалар, маълумотлар берилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермерларга ҳар томонлама хизмат қўрсатаётган, республикамизнинг чека ҳудудларига кириб борган банк филиаллари ва минибанклари бу борадаги тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда кредит шартномаларининг намунавий нусхалари билан таъминланди.

Янги таъминотларнинг изчил жорий этилаётганлиги натижасида фермерлар ўзлари учун зарур пайтда ва керакли миқдордаги имтиёзли кредитларни қисқа фурсатда олиш имкониятига эга бўлдлар. Хусусан, утган йили Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари фермер хўжалиқларига пахта етиштириш харажатлари учун 29 млрд. 547 млн. сўм, ғалла етиштириш учун эса 1 млрд. 898 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Таъкидлаш жоиз, ғалла ва пахта ҳосили учун ажратилган кредитлар 100 фоиз вақтида ва тўла сўндирилди.


«Пахта банк» филиаллари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасидаги кредит муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида шу кунгача ортирилган бой тажрибалар ҳамда Жаҳон банкидан жалб этилган маблағларнинг тавсияларига мувофиқ «Пахта банк» тизимида қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш тартиби» янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Ушбу янги тартиб асосида қишлоқ хўжалиги тараққиётида техника таъминоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олиниб, банкнинг ўз ресурсларидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун молиявий ёрдам берилмоқда. Жумладан, 2004 йил давомида 1380 та хўжалик ва уларга хизмат қўрсатувчи корхоналарда жами 19 млрд. 316 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди ёки бундай ёрдам аввалги йилдагига нисбатан 54 фоизга кўпайди. Шунингдек, фермер хўжалиқларига қўшимча қўлайликлар яратиш, банк хизматини уларга янада яқинлаштириш мақсадида қўлай ҳудудларда қўшимча 96 та минибанк ташкил этилди.

Банк ширкат ва фермер хўжалиқларига ҳамда уларга хизмат қўрсатувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига техника харид қилиш учун молиявий ёрдам қўрсатишда кредитлашнинг лизинг усулидан кенг, самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. 2004 йили жами 84 та лизинг объекти

бўйича 2,5 млрд. сўмлик хизмат қўрсатилди. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, бу — 2003 йилдагига нисбатан 70,6 фоиз кўп.

Банк ҳозирги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзиқилоқмашҳолдинг» компанияси корхоналари, хусусан, «Тошкент трактор заводи», «Агрегат заводи» ва «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг йўли билан харид қилувчиларга молиявий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

2005 йилда қишлоқ хўжалиги ва уларга хизмат қўрсатувчи корхоналар моддий-техник базасини асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг техникалари ҳисобига янада мустаҳкамлаш, чет эл кредит линиялари орқали инвестициялар жалб этиш, уларга лизинг хизмати кўламини кенгайтириш ишларини изчил давом эттириш жараёнлари режалаштирилган.



14,4 млрд. сўм кредит ажратилди. Ушбу маблағларнинг 21 фоизи қисқа мuddатли, 79 фоизи ўрта ва узоқ мuddатли кредитлардир. Шу хисобдан 11 минг 921 та янги ишчи ўринлари очилди, улар томонидан 8,73 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат турлари қўрсатилди.

Тадбиркорларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш йўлида ташкил топган махсус жамғарма изчил шаклланиб бормоқда. Утган йил давомида имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси 2,2 млрд. сўмга ўсиб, 10 млрд. сўмга етиди ва бу маблағлар иқтисодиётнинг реал секторида йўналтирилди.

«Пахта банк» кичик бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларини маблағ билан таъминлашни янада такомиллаштириш ва банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни тобора кучайтирмоқда. Бунинг кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Германиянинг КФВ банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Ривожланиш банки, Хитой Эксимбанки, Жаҳон банки кредит линиялари жалб қилинган. Жумладан, «Пахта банк» ҳамда Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ўртаси

Амалда эса, 7,7 млн. доллар ўзлаштирилди ва жами 1110 та янги ишчи ўринлари яратилди.

«Пахта банк» бу йўналишда ҳам келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ўстувор вазифаларини аниқ ва пухта белгилаб олган. Хусусан, кичик ва албатта бозорга мослашувчан, маҳаллий хомашедан экспортбоп ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни таллаб олиш, молиялаштириш аҳамадияти изчил тус олади. Мавжуд хорижий кредит линиялари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришда оптимал даражада фойдаланиш, яъни тўлиқ ўзлаштириш ҳамда янгилигини жалб этиш, ходимлар малакасини муттасил ошириб бориш режалаштирилган.

АҲОЛИ УЧУН ҚўЛАЙЛИК

«Пахта банк» республика ҳукуматининг аҳолига қўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловларни тартибга солиш тўғрисидаги қарорлари ижросига амалий хисса қўшиш мақсадида ҳам бир қатор янгиликларни жорий этмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиядан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан

олишмоқда. Савдо ва хизмат қўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони 278 тани, банкоматлар 20 тани ташкил этди. Бугунги кунда савдо ва хизмат қўрсатиш пунктларига 1,5 мингта терминал ўрнатиш ва аҳолига яқин вақт ичида 520 мингта пластик карточка тарқатиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

«Пахта банк» ўз пластик карточкасига эга бўлган мижозларига қўлайлик яратиш ва ушбу ҳисоб-китоб усулларида мамлакатнинг барча ҳудудларида бемаъл фойдалана олишлари учун республикадаги бошқа тижорат банклари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик шартномасини тузган. Бунинг кунда, банк пластик карточкаларнинг корпоратив ва кредит турларини ҳам жорий этиш мақсадида «DUET 4.7» дастурини ўрнатди. Шунингдек, 2005-2006 йилларда халқаро тоифадаги карточкаларни муомалага чиқаришни ҳам муқаллаб турибди.

ТАШҚИ ИҚТISОДИЙ ФАОЛИЯТ

Республика Марказий банки томонидан самарали пул-кредит сибасати олиб борилаётгани туфайли миллий валюта — сўмнинг алмашинув курси барқарорли

иб бормоқда. Уларнинг асосий қисми Россия, АҚШ, Фарбий Европа, Марказий Осиё, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи давлатларига жўнатилмоқда. Республикага олиб келинаётган маҳсулотларнинг асосий қисми Россия, Хитой ва Фарбий Европа мамлакатларига тўғри келиб, улар асосан ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, технологик ускуналар, металл маҳсулотлари ва қурилуш моллари ишлаб чиқариш саноати хомашедларидан иборат.

Утган йили банк аҳоли учун валюта алмаштуриш шартномаларини 27 тага кўпайтириб, 261 тага етказди. Натижада улар орқали амалга оширилган валюта олди-соти операциялари ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 8,5 баробарга ортди.

Бир сўз билан айтганда, жаҳоннинг йирик ва нуфузли банклари билан ҳамкорлик — банк ташқи иқтисодий фаолиятини тобора кенгайиб боришига салмоқли хисса қўшмоқда.

БАНК ИҚТISОДИЙ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИШДА

Мамлакатда ислохотларни жаддаллаштириш ва янада чуқурлаштириш жараёнлари давом этаётган бугунги кунда «Пахта банк» асосий эътиборини ўз таркибий тузилмаси ҳамда фаолият стратегиясини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, мамлакат иқтисодиётининг молиялаштириш жараёнларига муносиб хисса қўшишга астойдил бел болаган. Айни кезде, банк хизмати турларини кўпайтириш, мижозлар сафини кенгайтириш, акциядорлар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоялаш, аҳолининг бўш маблағларини банк айланмасига жалб этиш, ўз капитал базасини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорлигини кучайтириш, аҳоли ва барча мижозларнинг банка нисбатан ишончини янада оширишга эришмоқда. Барча мулк шаклидаги ва турли соҳаларда фаолият юритаётган 109 мингдан зиёд юридик ҳамда 248 мингдан кўпроқ жисмоний шахсларга комплекс хизмат қўрсатишмоқда. Минтақавий вилоят бошқармалари 13 тага, улар таркибидаги ва мустақил фаолиятдаги филиаллари 183 тага, жойлардаги минибанклари 452 тага етди.

Утган давр ичида бошқарув тизимини давр талабига мослаб бориш, банкда янгона ахборотлар базасини шакллантириш, тўловлар ўтшини тезлаштириш орқали мижозларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида амалдаги электрон тўлов тизими янада такомиллаштирилди. Республикада фаолият қўрсатаётган бюджетдан ташқари жамғармалар ва жаҳон молиявий институтлари билан яқиндан алоқалар ўрнатилиб, уларнинг маблағларини банкка жалб этган ҳолда мамлакат иқтисодиётининг ўстувор йўналишларини молиялаштириш янада кенгайтирилди.

Банк ресурс базаси ва ўз депозитлари базасини шакллантиришда, жумладан, аҳолининг банкдаги омонатларини кўпайтиришда ижобий натижаларга эришди: аҳолининг мuddатли омонатлари 2004 йил давомида 8,8 млрд. сўмга кўпайиб, 27,3 млрд. сўмга етди.

2004 йил 31 декабр ҳолатига кўра, акциядорлар 238,9 млрд. сўмни, шундан даромад келтирувчи активлар 166 млрд. сўмни ёки жами активлардаги салмоғи 69,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич йил бошидаги миқдорга нисбатан 26,4 млрд. сўмга ёки 19 фоизга кўпайди.

Банкнинг жамлама капитали 2004 йил якуни бўйича 51,3 млрд. сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 5,3 млрд. сўм ёки 11,4 фоиз ортди. Бунинг кунда шакллантирилган жамлама капитал миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳамда хорижий банклар билан имзоланган кредит шартномаларида ақс эттирилган иқтисодий меъёр ва талабларга тўла жавоб беради.

2004 йилда банкнинг ликвидлиги ва даромадлилигининг мақбул даражада бўлишини, шу билан бирга таваккалчилик ҳавфини пасайтиришга қаратилган тадбирлар изчил амалга оширилганлиги натижасида банк молиявий ҳолати мустаҳкамлашиб борапти.

«Пахта банк» 2005 йилда ҳам республика қишлоқ хўжалигини тубдан ислох қилишни жаддаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган Президентининг Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси йўлида ўз филиаллари ва минибанклар тармоғини янада кенгайтиришга, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳаларга қўрсатилаётган банк хизмати турларини кўпайтиришга астойдил бел болаган. Мухтасар айтганда жамоамиз асосан экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашини қайта ишлайдиган ва бозорга тез мослашадиган кичик корхоналарга йўналтирилган лойиҳаларни вақтида молиялаштириш, чет эл кредит линиялари бўйича инвестицияларни кенг жалб этиш ишларини аниқ режа ҳамда дастурлар асосида изчил давом эттирмоқда.

«ПАХТА БАНК»: ИҚТISОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАЯНЧИ



КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ РЕАЛ СЕКТОРГА

Маълумки, у ёки бу мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, аҳоли турмуш даражаси ва халқ фаровонлигини унда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажми орқали белгиланади. Ялпи ички маҳсулотнинг оз ёки кўплиги эса мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари қай даражада ривожланганлигига, бошқача айтганда, уларга қандай зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигига боғлиқ.

Шу нуқтага назардан, «Пахта банк» кредит маблағларини кўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириш ва улар фаолиятини ривожлантиришга, аҳоли учун зарур кенг истеъмо моллари ишлаб чиқарувчи замонвий технологияларни сотиб олишни кредитлашга йўналтирмоқда. Шу йўл билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда нақд пул тушуmlарини кўпайтиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Натижада, банк хизмат қўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 2004 йилда 11 минг 474 тага кўпайиб, 83 минг 208 тани ташкил этди. Шундан 45 минг 989 таси деҳқон ва фермер хўжалиқларидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантиришини рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тасдиқлаган истиқбол режаси (параметри)га асосан 2004 йил давомида кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 4288 та лойиҳа бўйича режадаги 13,6 млрд. сўм ўрнига

да 7 млн. АҚШ доллари миқдоридида кредит шартномасининг 2005 йил 1 январь ҳолатига ажратилган 1,4 млн. доллари, «Пахта банк» ҳамда Осиё Ривожланиш банки ўртасида 7,5 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги лойиҳа битимининг шу давргача мўлжалланган 2,2 млн. доллари тўлиқ ўзлаштирилди.

Таъкидлаш жоиз, «Пахта банк» томонидан Европа Тараққиёт ва Тикланиш банки ҳамда Осиё Ривожланиш банки томонидан ажратилган кредит линияларини ўзлаштириш орқали кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, муқobil МТПларни молиялаштиришни қўзда тутган Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки кредит линияларини ўзлаштириш 2004 йилда изчил давом эттирилди. Иқтисодиёт ривожини муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни таллаб олишда уларнинг экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, маҳаллий хомашини қайта ишлашга асосланганлиги ва лойиҳа амалга оширилиши қўзда тутилган ҳудудда зарур хомашининг етарли бўлиши ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан таланибнинг мавжудлиги алоҳида инобатга олинмоқда. Шунингдек, кредит ҳисобидан жалб этилаётган технологияларнинг замонавийлиги, барпо этилаётган ишлаб чиқаришнинг экологияга таъсири ва лойиҳа ташаббускорларининг танлаган соҳалари бўйича салоҳияти ҳамда малакаларига асосий эътибор қаратилапти.

2004 йилда кредит линиялари ҳисобидан 5,4 млн. АҚШ доллари миқдоридида маблағни ўзлаштириш қўзда тутилган эди.

ТАКОМИЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисидаги қарорининг ижроси юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Банкнинг марказий идорасида аҳолининг коммунал тўловлари билан ишловчи алоҳида бўлим ташкил этилди. Электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик ҳамда бошқа коммунал хизматларга ҳақиқи тўлашда аҳолига тўла қўлайлик яратиш мақсадида ҳокимликлар ва Марказий банкнинг вилоят бошқармалари билан келишилган ҳолда жойларда 101 та қўшимча махсус шаҳобча очилиб, ишга туширилди. Коммунал хизмат қўрсатувчи барча ташкилотлар билан банк ўртасида тўловларни қабул қилиш юзасидан шартномалар тузилди. Махсус очилган қўшимча шаҳобчалардан ташқари банкнинг барча филиаллари ва минибанкларида коммунал тўловларни қабул қилиш қисқа фурсат ичидаёқ кенг йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус компьютер дастури ишлаб чиқилди, банк ходимлари қайта ўқитилиб, тайёргарлик синовидан ўтказилди. Ҳозир коммунал тушуmlарнинг қўнлик мониторинги ташкил этилиб, бу ҳолат доимий назорат ва чуқур таҳлил этиб боришмоқда.

Амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар натижасида фақат январь ойининг ўзидаёқ аҳолидан 5 млрд. 551 млн. сўм, жумладан, янги ташкил этилган шаҳобчаларда 238 млн. сўмлик коммунал тўловлар қабул қилиб олинди.

«Пахта банк» Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-маблағларнинг банкдан ташқари қўрсатилиши янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ойлик иш ҳақини бериш, савдо ва хизмат қўрсатиш шаҳобчаларида ҳисоб-китобнинг қўлай ҳамда фойдаланувчиларини жорий этиш бўйича 2005 йилнинг охиригача мўлжаллаб тузилган аниқ дастур асосида иш олиб борапти. 2003 йилда пластик карточка олган мижозлар сони 10 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2004 йилда улар тўққиз баравар кўпайиб, 90 мингга етди. «Пахта банк» пластик карточкалари орқали ҳозир 500 дан ортиқ ташкилот ходимлари иш ҳақларини

гини таъминлаб, 2004 йилда мамлакат тижорат банклари ва молия тизимида қўлай иқтисодий муҳит яратилди. Хусусан, банклар ўз мижозларининг хорижий валютага бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш имкониятига эга бўлди. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча хўжалик ориртувчи субъектларга ташқи савдо битимлари тузиш ва хорижий валюталарда операциялар ўтказиш учун тенг ҳуқуқлар яратилди.



2004 йилда биржа ва биржадан ташқари валюта бозоридидаги конвертация операциялари ҳажми сезиларли даражада ортди. Алоҳида айтиш лозим, биржадан ташқари валюта бозоридидаги операциялар 2003 йилга нисбатан 6,1 баробар, нақд валюта билан операциялар эса 11 фоизга ошди. «Пахта банк»нинг халқаро валюта операциялари хорижий ва республика муомаласини 22 та банкнидаги вакилик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилди. Умуман, халқаро операцияларнинг 90,3 фоизи бевосита банк ўтказмаларига тўғри келди.


Республика валюта биржасида мижозлар талабларига мувофиқ импорт товарлар юзасидан ҳисоб-китоблар учун амалга оширилган конвертация ҳажми ҳам 2003 йилдагига нисбатан бир мунча кўпайди. Биржада сотиб олинган маблағлар қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар, ўғит ҳамда ўсимликларни қимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва пахта тозалаш саноати корхоналари учун материаллар харид қилишга йўналтирилди.

Ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида барча операция турлари бўйича экспорт-импорт шартномалари ҳам аввалги йиллардагига нисбатан анча кўпайди.

«Пахта банк» мижозлари 2004 йилда умумий қиймати 16,6 млн. АҚШ долларига тенг бўлган пахта линти, цемент, қишлоқ хўжалик техникалари, шарбат, вино, тўқимачилик ва консервалangan қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилган бўлсалар, бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан 54 фоиз кўп бўлди.

Шуниси диққатга сазоворки, банк мижозлари қилаётган экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар салмоғи тобора кўпай





Ноширлар тухфаси

БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ КИТОБЛАР ЎҚИЙМИЗ?

«Kitob dunyosi» ахборот-маълумот газетасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларининг 2005 йилги мавзу режалари билан танишиб, мазкур саволга жавоб топасиз

Газетанинг сўнгги (2005 йил, январь-февраль) кўшма сони саҳифаларида Чўлпон ҳамда Фафур Гулом номидаги «Ўқитувчи», «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйлари ва «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриятининг 2005 йилги мавзу режалари эътиборингизга ҳавола этилган. Унга қиринтилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва рисолалар давлат бозорига ва китоб бозори эҳтиёжларини ўрғаниш асосида тузилган.

Масалан, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида мустақил республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир қатор расмий нашрлар, кўтув саналарга бағишланган китоблар, рисолалар ўзбек, инглиз, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда нашрга тайёрланади ва чоп этилади. Ўзбекистоннинг иқтисоди ва сиёсати, адабиёти ва санъати, тарихи ва бугунги оид китоб ва рисолалар, умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабалари учун адабиётлар, қардош тиллардаги мактаблар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар, турли мавзуларда нашр этиладиган альбомлар ҳам кўпчиликлари манзур бўлади.

«O'QITUVCHI» нашриёт-матбаа ижодий уйининг мавзу ре-

жасидан эса умумтаълим мактабларига йўналтирилган миллий истиқлол мафқураси, миллий тафаккур гоилари сингдирилган, маънавиятимизни юксалтиришга, қадриятларимизни эъзозлашга хизмат қиладиган, шарқона одоб-ахлоқ ва она-Ватанга муҳаббат туйғуларини тарғиб этувчи, адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар ўрин олган. Шунингдек, нашриёт замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш борасида ўтказилаётган танловларда иштирок этиб, гоили топилган ўқув адабиётларини ҳам нашрдан чиқаради. Бир сўз билан айтганда, йил мобайнида мавзу режаси янада бойитилиб, ўқувчиларга манзур ранг-баранг китоблар чоп этиш кўзда тутилган.

Фафур Гулом номидаги

нашриёт-матбаа ижодий уйи ижодкорлари режасига кирган китоб ва рисоладор жаҳон маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган адиблар, шоирлар ва алломалар ҳақида маълумотлар бериши боис китобхонларда катта қизиқиш уйғотади. Ижодий уйнинг «Мумтоз адабиёт», «Ўзбек адабиёти», «Халқ оғзаки ижоди», «Санъат», «Таржима адабиётлари», «Болалар адабиёти» туркумлари остида ва қизиқарли асарлар лотин ёзувида асосланган янги ўзбек милосида эълон қилинади.

Болалар адабиётини нашр этишга ихтисослашган Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилиши режалаштирилаётган адабиётлар кичикнотойлардан тортиб то катта ёшдаги китобхонларнинг жавонларидан муносиб ўрин эгаллайди.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти мамлакатимизда энциклопедик адабиётлар, турли дугат ва маълумотномалар тайёрлаб, нашр этидиган илмий марказ ҳисобланади. Зотан, 12 жилдлик «Ўзбекистон


Миллий энциклопедияси»нинг тайёрланиши ва нашр этилиши қомусчилик ишини янги бир босқичга кўтарди. Мустақил юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида эришган ютуқларини, халқимизнинг кўп асрлик бой тарихи, фани, маданияти, қадриятлари, ўзбек тилининг кенг имкониятлари, халқимизнинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни аҳамиятини атрофлича илмий акс эттириш, тарихий воқеа ҳодисаларга, шахсларга ҳолисона баҳо бериш ҳамда уни ялтиб бир бутун китоб ҳолида кенг оммага етказиб бериш маънавий ва маърифий ҳаётимизда муҳим масаладир.

Хуллас, 2005 йилда қандай китоблар ўқиймиз? Уларни ким нашр этади? Бу саволларга газетанинг мазкур кўшма сонидан чоп этилган мавзуд ижодий уйларнинг мавзу режалари жавоб беради.

Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН, «Kitob dunyosi» ахборот-маълумот газетаси Бош муҳаррири

Спорт

ЧЕМПИОНЛАР ШУНДАЙ УЛҒАЙИШАДИ...



Юқоричирик туманидаги Хван Мангим номли спорт клубининг довуғи бугун бутун республикамизга ёйилган. Спортнинг стол теннис турига ихтисослашган мазкур масканда айни пайтда мамлакатимизнинг энг иқтидорли ва умидли кичик ракетка усталари ўз маҳоратларини оширишмоқда. Клуб спортчиларининг нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам гоилиб ва совриндорлар қаторидан жой олаётганлигини эшитиб, қизиқимиз ортди.

— Ҳақиқий спорт фидойиси Григорий Хван президентлик қилаётган ушбу клубда ишлар профессионал даражада йўлга қўйилган, — дейди Украинада хизмат кўрсатган мураббий Илья Матеевич Фрегер. — Бу ердаги жиҳозлар ва анжумларни бошқа спорт клубларида учратиб қийин. Тажрибали мураббийлар ака-ука Георгий ва Юрий Цой, Александр Кимлар ҳам ўз шогирдлари маҳоратини ошириш йўлида бор куч ва билдиларини ишга солишмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Афина олимпиадаси катнашчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси Манзура Иноятова, спорт усталари Анвар Каримов, Евгений Цойлар ҳам айнан шу ерда шуғулланишди.

Бу спорт масканида нафақат юқоричириклик, балки, бошқа турмулар, шунингдек, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳридан ҳам бир қатор умидли кичик ракеткачилар ўз маҳоратларини оширяпти.

— Нафиса Каримова билан иккимиз Бухородан келганмиз, — дейди ўзини Гуля Хусейнова деб таништирган қизча. — Утган

йили республика биринчилигида гоилиб чиққан, мураббийлар бизни шу клубга таклиф этишганди. Очиги, қўлайликларни кўриб, бу ердан кетгим келмай қолди. Айниқса, Манзура Иноятовадек таникли спортчи билан бир клубда шуғулланиш менга янада завқ бағишлайди.

— Мамлакатимиздан стол теннисининг нимасидир менга ёқиб қолди, — дейди Олег. — Узим 19-мактабнинг тўртинчи синфида ўқийман. Уртоқларим футбол тўғарагига катнашайлик, дейишганди. Аммо менга стол теннисидан келган бўлиб, Икки ойдан бери дарсдан кейин ҳар кун шу ерга келаман.

— Мамлакатимиздан стол теннис бўйича биринчи бўлиб Манзура Иноятова олимпиадада иштирок этди, — дейди мураббий Илья Матеевич. — Биз келажакда унинг бу ютуғи та-

содиф эмаслигини исботлаш учун меҳнат қиляёмиз. Бугун Хван Мангим номли спорт клубида Манзуранинг қўлаб муносиб издошлари камол топаёпти. Улар мамлакат чемпионапти, Ўзбекистон кубоғи бахсларида ўзларини кўрсатишмоқда. Клубимиз тарбияланувчилари сўнгги йилларда «Умид нихоллари» Республика мусобақаларида гоилибликни кўлдан бермай келишяпти. Бу эса Ўзбекистонда янги-янги олимпиячилар улғайётганлигидан дарак бермоқда.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» муҳбири

Суратда: халқаро тоифадаги спорт устаси Манзура Иноятова ёш теннисчилар билан. Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Муносабат

ЯНГИ АСАР ЧИҚҚДИ, РЕКЛАМАСИ ҚАНИ?

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 10 март сонидан эълон қилинган «Болалар адабиёти: тарбия, маънавият, масъулият» сарлавҳали мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бўлиши ёш авлод маънавиятини бойитишда болалар адабиётининг ўрни, ижодкор олдидagi масъулият, қолаверса, болалар китобхонлиги муаммолари юзасидан шоир ва адиблар, адабиётшунос ҳамда ноширларнинг мулоҳазалари билдирилганини кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Анча йиллардан буён болалар адабиёти билан шуғулланиб келаяётган бир ижодкор сифатида мен ҳам айтганим, бугун болаларга китоб керак. Китоб бўлганда дунёқарашини бойитадиган, қалбда эзгуликка эҳтиёж уйғотувчи, соф инсоний туйғуларни шакллантиришга қўмақ берадиган китоблар керак. Болалар уларни ҳар кун мутолаа қилсин. Аммо бунга қандай эришиш мумкин?

Бир гал ардоқли ёзувчимиз Худойберди Тўхтабоевнинг китобхонлик ҳақи даражада эканини билиш учун қатор мактабларда, хонадонларда ўқувчилар билан суҳбат ўтказгани Ўзбекистон телевидениесини орқали кўрсатилган эди. Савол шундай бўлди: «Охириги марта қандай китоблар ўқидингиз? Шахсий кутубхонангиз борми? Ота-онангиз сизга китоблар олиб берадиларми?»

Ушбу саволларга ақсарият ўқувчилар жўяли жавоб бера олишмади. Афсуски, кейинги пайтларда бунга ҳеч бир ажабланидиган жой йўқдек қабул қиладиган даражага бориб қолдик. Болалар китобга қизиқмас, уйда ақалли уч-тўртта севиб мутолаа қиладиган китоби бўлмаса, ота-оналар боласининг китоб ўқишини назорат қилмаса, бунинг оқибати нимага олиб келади? Эртага қандай маънавий йўқотишлар юз бериши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўраймизми?

Бугун бозор иқтисодиёти шароитида яшаймиз. Ҳозир кўпчиликнинг наздида китоб ҳам аллақачон махсуслот номини олиб улгурди. Китобнинг қиймати унга бўлган талабга қараб белгиланмоқда. Яъни, талабга қараб таклиф. Мақолада Махмуд Тўйчиев «Чўлпон» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти мисолида қизиқарли маълумотларни келтирган. Кейинги икки йилда нашриёт томонидан 30 нонда, умумий тиражи 215 миң нусхада баддий адабиётлар чоп этилибди. Бир қарашда бу катта рақамдек кўринар. Бироқ мамлакат ёшлари миқдорига таққосласак, фақат болалар адабиётларини чоп этишга ихтисослашган мазкур нашриётнинг кўрсаткичлари қўнқарли эмаслиги аён бўлади. Боз устига ана шу китоблар ҳам ўз ўқувчиси ва вақтида етиб бормаёпти.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон «Яхши ки-

тоб дўконда туриб қолмайди, деган гапни болалар адабиётига нисбатан қўлламаган маъқул», дегани юз фоиз қўшилам. Чунки бизда янги чиққан китоблар тарғиботи, янаям аниқроғи, рекламаси йўқ. Нега нашриётлар китоб рекламасини кучайтириш, ривожлантириш, чоп этилаётган китоблар сони ва тиражини кескин қўлайтириш ҳамда шу йўл билан чиқарилган китобнинг кенг ўқувчилар оммасига етиб боришига эришиш ҳақида кетаётган экан, масалани бошқача қўйиб, яъни китоблар рекламасини кучайтириш, турфа хил таклифлар орқали талабни ўстириш лозим.

Бугунги болаларнинг дунёқараш, диди, қизиқишлари тамоман ўзгача. Аудио-видео воситалар уларни тобора ром этиб бормоқда. Китоб ўқишга эса вақт, хафсала йўқроқ. Чунки баддий адабиёт ҳақида жуда ҳам гапирилади. Натижада ёшларимиз сўз санъатининг сеҳрли оламини бебаҳар ўсаёпти. Назаримда, болалар китобхонлигини ўстиришнинг хилма-хил усулларида оқилона фойдаланиш керак. Шунга хизмат қилувчи марказлар ташкил этиш масаласини ҳам пухта ўйлаб кўриш лозимга ўхшайди. Бу борада, мақолада ҳам таъкидланганидек, алоҳида гамхўрлик ва эътибор керак.

Тан олиш лозим, болалар

адабиёти тарғиботини йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг роли жуда катта. Аммо бу ишни фақат болалар нашрлари, кўрсатув ва эшиттиришларда эмас, балки катталарга мўлжалланган газета-журналлар, теледастурларда амалга ошириш яхши самара беради. Чунки, болалар адабиёти янгиликларидан кўпроқ катталар — ота-оналар, ўқитувчилар хабар топса мақсадга мувофиқдир. Ҳозир баъзи маърифий йўналишдаги газеталарда болалар адабиёти намуналари бериб борилаётганини қувонарли ҳол. Афсуски бу шунчаки, кўп учиди қилинаётгандай туюлади кишига. Ахир, болалар адабиёти уч-тўртта кичик шеърдан иборат эмас-ку! Нега болалар учун янги, қизиқарли асарлар ҳақида барча мароқ билан ўқийдиган мақолалар бериш мумкин эмас?

Фирқимча, кўтаришган ушбу муаммонинг ечим кўп жиҳатдан болаларда китобхонлик туйғусини тарбиялашимизга бориб тақалади. Янги асарга талаб қанчаллик кўп бўлса, нашриётлар шунча кўп китоблар нашр этиш, болалар адибларини ўзлари кидириб топиш, керак бўлса, уларга турли буюртмалар бериш ҳаракатига тушиб қолмайди.

«Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган мазкур мақола бизни навбатдаги лобайликдан холи бўлишга, аксинча, миллат келажаги учун ҳар қанча фидойилуғи жонбозлик кўрсатишга, болаларимиз маънавиятини кўтариш йўлидаги саёй-ҳаракатларни янада ривожлантиришга туртки бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки болалар адабиёти чинакамига миллатни тарбиялайдиган, унинг орзу-умидларига руҳият бағишлайдиган воситадир.

Неъмат ДУШАЕВ, болалар шоири

УЧ ЎЙИНДАН БИР ОЧКО

бу натижа жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси мухлисларини ташвишлантирмоқда

Мухлислар мамлакатимиз миллий терма жамоасининг 2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашувариди бу қадар суст ўйин намойиш этишини қутшмаганди. Чоршанба кунги футболчиларимиз иштирок этаётган «А» гуруҳида биринчи давра ўйинлари якунланди. Сўнгги турда вакилларимиз Сеулда Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга чиқиди. Тошкентда ўтган илк учрашувда терма жамоамиз Саудия Арабистони футболчилари билан дуранг (1:1) ўйнаганда ҳамюртларимизнинг кейинги ўйинларда галаба қозонишга умид қилгандик. Лекин вакилларимиз камда бир очко олиши мумкин бўлган иккинчи турда қувайтликларга имкониятни бой бериши — 1:2. Сўнгги ўйинда охириги жаҳон чемпионатида фахрли тўртинчи ўринни эгаллаган Жанубий Корея футболчиларига қарши Сеулда бўладиган учрашув олдидан ҳамюртларимиз учун осон бўлмаслиги аниқ эди.

Корейс футболчиларининг тўлиқ шунингидеги ўтган мазкур ўйинда бош мураббий Юрген Гёде қўллаган ҳимоя ва қарши ҳужум усули, айниқса, дарвозабон Игнаций Нестеровнинг маҳорати терма жамоамизни йирдик ҳисобдаги мағлубиятдан қўқариб қолди — 1:2. Ҳали умидсизликка тушмаслик керак. Ҳаммаси футболчиларимизнинг қолган уч учрашувини қандай ўтказишларигагина боғлиқ.

Гуруҳдаги қуйида — Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасида ўтган иккинчи ўйинда дуранг натижа қайд этилди — 0:0. Бу эса иккинчи даврада футболчиларимиздан фақат галаба учун майдонга чиқишларини талаб этади.

Table with 6 columns: Country, U, Y, D, M, T-N, O. Rows: Janubiy Koreya, Saudiya Arabistoni, Kuvayt, Uzbekiston.

«В» гуруҳида ўтказилган сўнгги тур баҳслари қуйидагига якунланди: Япония — Баҳрайн — 1:0, КХДР — Эрон — 0:2.

Table with 6 columns: Country, U, Y, D, M, T-N, O. Rows: Эрон, Япония, Баҳрайн, КХДР.

Терма жамоамиз энди гуруҳдаги навбатдаги учрашувини 3 июнь кунини ўз майдонидан Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказди. Шу кун Саудия Арабистони — Кувайт, Баҳрайн — Япония, Эрон — КХДР терма жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

«ЧЕЛСИ»ГА ЖАРИМА СОЛИНДИ

Европа футбол уюшмаси иттифоқи Лондоннинг «Челси» клуби ва унинг бош мураббийи Жозе Моуриньюни жазолашга қарор қилди.

Маълум бўлишича, улар чемпионлар лигаси учун Испаниянинг «Барселона» клуби билан ўтказилаётган нимчорак учрашувини бошқараётган швед хаками Андерс Фрикснинг шаънига турли уйдирмаларни гапирган. Шунингдек, учрашувдан кейин ўтказилган матбуот йиғилишида қатнашмаганлар. Жозе 8,9 «Челси» клуби эса 33,3 миң фунт стерлинг ҳисобида жазога тортилди. Бундан ташқари, мураббий чемпионлар лигаси учун ўтказилган икки учрашув мобайнида майдон чеккасида эмас балки томошбинлар қаторида ўтиришга мажбур бўлди. Мураббийнинг ёрдамчиси Стив Кларк билан хавфсизлик хизмати ходими Лас Майлга хайфсан эълон қилинган. Жозенинг суларига қараганда «Барселона» бош мураббийи Франк Райкард танлафус пайтида хакамлар хонасига кириб, швед хаками Андерс Фрикс билан суҳбатлашган. Хакам эса танлафусдан кейин «Челси» ҳужумчиси Дивиде Дробгага қизил карточка кўрсатган экан.

ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИШГА ДАЪВОЛАРЛАР



Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Ротге 2012 йили ташкил этиладиган олимпиадани ўтказишга даъвогар шаҳарлар ўртасидаги баҳс тарихида биринчи марта қизгин тус олганини баён қилди. Президентнинг фикрига қараганда, беш даъвогар — Лондон, Мадрид, Москва, Нью-Йорк ва Париж шаҳарлари бундай нуфузли спорт тадбирини ўтказиб бериш учун барча имкониятларга эга экан. «Олимпиада — 2012» ўйинларини ўтказиб берадиган шаҳар номини эса Сингапурда 6 июль кунини эълон қилинади. «Ҳозирча бу борада қайси шаҳар етакчилик қилаётгани ҳақида фикр юритиш эрта, — дейди Ротге. — Бу сафар бешта номдор шаҳар даъвогар бўлиб турибди. Шаҳарларнинг бари олимпиадани муваффақиятли ўтказиб беришига шубҳа йўқ. Лекин комиссия аъзоларининг ҳисоботини ўқуғанида шаҳарлардан тўрттаси бешинчисидан қура, учтаси тўртинчисидан қура дурустроққа ўхшайди». Манбалардан олинган хабарларга қараганда, бу борада Мадрид тўртинчи, Москва бешинчи бўлиб турган экан.

ДИҚҚАТ, КЎРИК-ТАНЛОВ!!! Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси билан ҳамкорликда республикадаги барча ўрта таълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ўртасида «ЭНГ ЗУККО ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ-2005» Республика кўрик-танлови ўтказилишини маълум қилади.

- 1. Кўрик-танлов 4 босқичда, яъни: — 2005 йил 1 апрелдан 10 апрелгача — ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида; — 2005 йил 10 апрелдан 20 апрелгача — туманлар (шаҳарлар) миқёсида; — 2005 йил 20 апрелдан 30 апрелгача — вилоятлар миқёсида; — 2005 йил 5 май кунини — Тошкент шаҳрида республика кўрик-танловининг якуловчи босқичи ўтказилади. 2. Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичи якунида бир нафардан биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари аниқланиши ва эъдилик соғавалари билан тақдирланади. 3. Республика миқёсидаги кўрик-танловда, шунингдек бир нафар «Энг зукко истеъмолчи» ҳамда уч нафар «Энг яхши ташкилотчи» номини қўллагани бўйича ҳам гоилибар аниқланади ва қимматбахш соғавалар (компьютер PC Pentium IV, музикаий марказ, телевизор ва бошқалар) билан тақдирланади. Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимларига, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига (135-28-98) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига (139-83-46, 133-09-39) ёки унинг ҳудудий бошқармаларида мурожаат қилишингиз мумкин.

КЎРИК-ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШНИНГ ВА ГОЛИБ БЎЛИШНИНГ!!!

ХЎРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Сизни жорий йилнинг 5 апрель кунини соат 15.00 да Ўзбек Миллий академик драма театри (Тошкент ш., Навоий 34, солиқ «Ҳамза» номидаги театр) биносида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан манфаатдор вазирлик ва идоралар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек кенг тадбиркорлик субъектлари иштирокчида «Тадбиркорликнинг ривожланиши учун соғлом рақобат муҳитини яратиш» — устувор мақсадимиз!» мавзусига бағишланган бевосита юзма-юз мулоқотга таклиф этамиз.

Йиғилишда тадбиркорликнинг ривожланишидаги мавжуд сунъий тўсиқ ва тўсиқликларни бартараф этиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуварини чеклаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш, шунингдек бу борада амалдаги қонунийлик базасини такомиллаштириш вазифаларига оид масалалар муҳокама қилинади. Шу муносабат билан Сизлардан мазкур анжуманда ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билан фаол иштирок этишингизни сураймиз.

Қўшимча маълумотларни 139-47-15, 139-47-94 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

Table with multiple sections: BOSHI MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLAYEV, Farrah HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.